

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СЕРВИСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

У.Б.Суюнов

“LAUNCH ASIA” хусусий корхонаси менежери

Аннотация: Илмий мақолада автотранспорт воситалари сервисини ривожлантириш орқали уларнинг иқтисодий самардорлигини оширишда корхоналар фаолиятини тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатларининг қисқача таҳлиллари, соҳани ривожлантиришни таъминлашда фаолиятни тартибга солиш юзасидан илмий мақолалар таҳлили, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва замонавий сервис хизмат кўрсатиши усулларини қўллаш бўйича тавсиялар илмий жиҳатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий самардорлик, замонавий автосервис, субсидия.

Abstract: The scientific article contains a brief analysis of some legal documents that regulate the activities of enterprises in the development of motor vehicle service, and their economic efficiency. recommendations are scientifically revealed.

Key words: economic efficiency, modern car service, subsidy.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислоҳотлар таъсирида бугунги кунда **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда.**

Бугун глобал молиявий-иктисодий инқироз дунё мамлакатлари тараққиётига ўзининг салбий таъсирини ўтказаётган бир пайтда, таъкидлаш жоизки, юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” доирасида олиб борилаётган ишлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ҳолатини аниқловчи омиллардан бири, бу шу ҳудуддаги ишсизлик даражасидир. Ҳозирги мураккаб шароитда бир қатор мамлакатларда ушбу масала ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Қолаверса бизнинг давлатимиз ҳам ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратишни мақсад қилиб қўйган⁶⁰.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”ти, III-боб, 34-максад, 6-банд

Биргина автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларнинг ишлаш муддатини узайтириш, инсонга хизмат қилиш қулайлигини ошириш, замон талабларига мувофиқлаштиришда бу соҳа мамлакатимизда сердаромад соҳалардан бири бўлиб, унинг иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимизда уй хўжаликлари танланма қузатуви маълумотларига кўра, ўтган 2023 йилда ҳар 100 та уй хўжалигига ўртacha 57 та енгил автомобиль тўғри келмоқда⁶¹. Бундай ҳолат уларга хизмат кўрсатиш эҳтиёжини ошиб бораётганини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кучли рақобат юзага келаётгани автомобилларга техник хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятида илғор технологияларни қўллашни тақозо этмоқда. Ушбу соҳани ривожлантириш орқали унинг фаолиятини яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблиги ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, республикамиизда ушбу соҳани ривожлантириш ҳамда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш шу билан бирга уни оширишнинг янги усулларини топиш ва асослаб бериш вазифасини қўяди.

Президент хузуридаги Статистика агентлиги⁶² маълумотларига кўра, 2023 йил якунидаги Ўзбекистонда хизматлар соҳаси 6,8 фоизга ўстган. Сервис соҳасида ривожланган давлатларнинг аксариятида ходимлар миқдорини ўсиб боришини ҳамда уларнинг миллий даромадга қўшган улушини юксалаётгандан кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШда XX аср охирида сервис соҳасида 84 млн. киши иштирок этган бўлиб, умумий ишлаётганларнинг 70% ни, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 72% ни ташкил этди. Япония давлатида ушбу кўрсаткичлар қўйидагича бўлган: 37 млн киши (60%), ЯММ даги улуши 61% ни ташкил этган. Минг кишига тўғри келган сервис ходимлар сони Германияда - 258, АҚШда - 340, Японияда - 310 киши бўлган⁶³.

Хизматлар бозорига жаҳон савдосининг 20 - 25% и тўғри келади, шунга кўра, бу бозор айниқса тараққий этган мамлакатларда умумий товар бозорининг ривожланишидан кўра тезроқ суръат билан ўсмоқда. Ўртacha ҳисобда, жаҳонда хизмат кўрсатиш бозорининг ўсиш суръати ўтган асрнинг 80-90 йилларида умумий товар бозорини ўсиш суръатидан тахминан икки марта юқори бўлган - ўртacha 8,7 ва 4,5 муносабатда. 1995 йили жаҳон бозорида хизмат кўрсатиш тахминан 1 трлн. АҚШ долларини ёки умумий жаҳон товар айланмасининг чорак қисмини ташкил қилди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар ички ялпи маҳсулотида хизматлар ҳиссаси 60 - 80% ташкил этади, хизматлар соҳасида иқтисодиётда банд бўлганларнинг 70% меҳнат қиласади.

⁶¹ (https://t.me/statistika_rasmiy/4437)

⁶² <https://stat.uz/img/talil-2023-jil-yanvar-dekabr-ruscha-.pdf>

⁶³ Краковская Т.А. , Карнаухова В.К. « Сервисная деятельность». И.: 2008. 4 бет.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида Ўзбекистонда 177 982 дона енгил автомобил ва 12 804 дона махсус енгил автомобил ишлаб чиқарилган⁶⁴.

Сервис аҳолига ҳизмат кўрсатиш ёки унга кўрсатилаётган ҳизмат тариқасида қабул қилиш мумкин. Сервис корхоналарининг асосий мақсадлари тариқасида мижозларга имконияти борича қулайлик яратиш, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла равишда қондиришдан иборатdir. Сервис фаолиятида бажарувчи ва истеъмолчи иштирок этиб, ушбу жараённинг самарадорлиги, маданияти, сифатини ўртадаги муносабатлар, моддий ва ташкилий таъминланганлик даражаси асосий мазмунни белгилайди. Шу сабабдан функционал йўналтирилиши борасида ҳизматлар асосан иккига: моддий ва ижтимоий-маданий турларига бўлинади. Моддий ҳизмат – ҳизмат истеъмолчиларининг моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, ижтимоий-маданий ҳизматлар-инсоннинг маънавий, интеллектуал эҳтиёжларини қўллаб-қувватлашга бағишлилади.

Автомобиллар – ўзига хос юқори технологик маҳсулот бўлиб, уларни харид қилиш, эксплуатация қилиш ва доимий техник соз бўлишини таъминловчи сервисини ташкил этиш учун юқори савияли мутахассислар талаб этилади.

Охирги ўн йилликдаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар автомобилларга ҳизмат кўрсатишда кескин таркибий ўзгаришларга олиб келди, ҳизмат истеъмолчиларининг талабаларини сифатли ва тўлиқ қондиришга йўналтирилган иқтисодиётдан, ҳамда ҳизмат кўрсатишларга ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда автосервис олдига янги вазифаларни қўйди.

Сервис – ҳизмат кўрсатишга қаратилган фаолиятdir. Унинг алоҳида ҳусусияти шундаки, ҳизмат кўрсатиш жараёнида баъзи материал ресурслар сарф қилинсада, сервис материал кўринишида эмас, балки эҳтиёжини фаолият орқали қондиришидадир.

Ҳизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмасдир, у сақланмайди ва доимий бўлмаган сифат ҳусусиятига эга. Ҳизматнинг ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмаслиги уни шу жараёнда истеъмол қилинишидадир. Ҳизматни амалга оширилгандан сўнг уни сақлаб қолиш, йиғишининг ёки сотишнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳизматни кўрсатиш жараёнида керакли материал, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳажмини режалаштиришда ҳизматга бўлган талабни аниқ башорат қилиш вазифаси туради.

Ҳизмат сифатининг доимий эмаслиги шундаки, истеъмолчи ҳизмат кўрсатилгунга қадар уни сифатини баҳолай олмайди. Буни ҳизматни амалга оширилгандан сўнггина имкони бор. Шунинг учун, мижозга ҳизмат кўрсатилгунга қадар ҳизмат ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи ҳизмат турлари ва сифати тўғрисидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Одатда, ҳизмат кўрсатишда қўл меҳнатининг улуши катта бўлганлиги учун сервис сифати ҳизмат кўрсатувчининг малакасига боғлиқ.

⁶⁴ https://t.me/statistika_rasmiy/4846

Автомобил сервиси истеъмолчиларнинг автотранспорт воситаларини сотиб ёки ижарага олиш, техник соз ҳолда сақлаш, керакли эксплуатацион хусусиятларга эга транспорт воситаларига қулай ишлаш шароитларини яратиш бўйича бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган.

Техник сервис автотранспорт воситалари эгаларини талабини қондириш, йўловчи ва юк ташишнинг маромда ва хавфсизлигини таъминлашга, лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришда назарда тутилган меъёрларни қониктирилишини таъминлайди. Автомобил транспортидан фойдаланишнинг тузилиш таркибида, ишлаб чиқариш мажмуалари орасида техник сервис алоҳида ўринга эга. Унинг ҳолати ва самарадор фаолияти сифатли транспорт хизматларни ривожланишининг муҳим шартидир. Автотранспорт воситаларининг техник сервиси истеъмолчилар талбларни қондирадиган, автомобилларни ишга яроқли ҳолда сақлаб турадиган, ҳаракатланувчи таркибнинг ҳолатини экологик ва ҳаракат хавфсизлиги шартларига мувофиқ бўлишини таъминлайдиган юқори сифатли хизматларни бажаради.

Техник хизмат кўрсатишнинг шаҳар ва йўл ёқасидаги шахобчалари, автомобил заводининг ўзига тегишли ва дилер тармоқлари, автомобил ювиш жойлари, давлат техник кўригини ўтказиш учун ташхис бўлинмалари, алоҳида автомобил қисмлари ва агрегатларни таъмирлашга ихтисослаштирилган устахоналар, автомобиллар тюнингига ихтисослаштирилган корхоналар, ўз ўзига хизмат кўрсатиш ўринлари, автотранспорт воситаларини, эҳтиёт қисмларни ва автомобил безакларини сотиш бўйича автосалонлар ва автодўконлар, мотеллар ва кемпинглар, автомобилларни ижарага бериш шахобчалари, гаражлар ва автомобилларнинг сақлаш жойлари, ахборотлар берувчи ва маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш корхоналари мавжуд. Келтирилган автосервис корхоналари рўйхати автосервис хизматларининг қанчалик хилма-хил турларини истеъмолчилар томонидан талаб қилинишини ва фойдалиш манбаи эканлигини кўрсатади.

Шундай экан, бу соҳани мукаммал ўрганиш, таҳлиллар қилиш, қонунчиликга янгиликлар киритиш, субсидиялар ажратиш ва кадрларни тайёрлаш орқали ривожлантириш замон талаби бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1,Краковская Т.А. , Карнаухова В.К. « Сервисная деятельность». И.: 2008. 4 бет.

2, (https://t.me/statistika_rasmiy/4437)

3, <https://stat.uz/img/talil-2023-jil-yanvar-dekabr-ruscha-.pdf>

4, https://t.me/statistika_rasmiy/4846